

3-25-2020

SEMANTIC GROUP IN THE LANGUAGE CORPUS, THE IMPORTANCE OF SEMANTIC TEXT SETTING OF GROUP AND FIELD EXPLANATION

Shahlo Khamroeva Doctorate, PhD
Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Khamroeva, Shahlo Doctorate, PhD (2020) "SEMANTIC GROUP IN THE LANGUAGE CORPUS, THE IMPORTANCE OF SEMANTIC TEXT SETTING OF GROUP AND FIELD EXPLANATION," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 13.
DOI: DOI: 10. 36078/987654419
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Шахло Хамроева

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТИЛ КОРПУСЛАРИДА СЕМАНТИК ГУРУХ, ТҶДА ВА МАЙДОН ТАСНИ- ФИНИНГ МАТНИИ СЕМАНТИК ТЕГЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Тил корпусларида теглашнинг морфологик, синтактик, семантик, акцентик каби кўриниши мавжуд. Корпус тилининг луғат бойлигида бўлаётган ўзгаришлар (неологизм, историзм, архаизм ҳодисалари)ни кузатишнинг энг қулай воситаси экан, ундаги материал лингвистик жиҳатдан ишлов берилган бўлиши лозим. Теглар мажмуаси мана шу лингвистик ишлов (таҳлил)ни амалга оширишнинг асосий воситаси саналади.

Корпусда у ёки бу лингвистик бирликнинг қуршовини кузата туриб, ушбу бирликни харақтерловчи маълум семантик белгиларни аниқлаш мумкин. Сўз бир пайтнинг ўзида бир неча семантик категорияга мансуб бўлиши мумкин, шунинг учун сўзнинг у ёки бу категорияга тегишлилик даражасига қараб фикр юритиш лозим. Даража эса турли категория бўйича тақсимланиш частотасини санаш йўли билан аниқланади. Демак, корпус ёрдамида сўзларнинг қайси семантик категорияларга мансублигини аниқлаш, ҳар бир категориядаги маъноси билан танишиш мумкин. Корпус сўзнинг қайси семантик категорияга тегишли эканлигини кўрсатиб туриши учун семантик теглар мажмуи мукамал ишлаб чиқирилиши лозим. Ушбу мақолада семантик теглар мажмуини ишлаб чиқишда семантик гуруҳ, тўда ва майдон таснифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Семантик теглар мажмуи семантик майдон, семантик тўда ва ЛСГ асосида шакллантирилади. Корпус интерфейсида кидирув бутун-бўлак муносабати асосида қурилган

Shahlo Khamroeva

Doctorate of Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature, (PhD) in philological sciences

SEMANTIC GROUP IN THE LANGUAGE CORPUS, THE IMPORTANCE OF SEMANTIC TEXT SETTING OF GROUP AND FIELD EXPLANATION

ANNOTATION

There are morphological, syntactic, semantic, accentive aspects of layout in the language corpus. The corpus is the most convenient means of observing the language fluctuation of the dictionary (neologism, istorism, archaism) and its material must be linguistically processed. The complex of tags is the main tool for the implementation of this linguistic process (analysis).

By monitoring the surroundings of this or that linguistic unit, it is possible to identify certain semantic characters that characterize this unity. The word may refer to a few semantic categories simultaneously, so it is important to consider the level of the word or the category of the word. The rank is determined by counting the distribution frequency according to different categories. Thus, by means of a corpus it is possible to find out the semantic category of words and to get acquainted with the meaning of each category. A set of semantic tags should be perfectly designed so that the body can indicate which semantic category it belongs to. This article discusses the significance of semantic groups, colonies and domains in the development of a set of semantic labels.

The set of semantic tags is based on the semantic field, semantic colon, and LSG. On the first page of the interface semantic fields of the Uzbek language are given, if a semantic field is selected, the second window opens, the semantic groups of the same area appear, semantic gangs are again separated from the LSG. This structure of the interface works on the basis of the analysis of “analyze the word” principle. At the stage of

бўлади: интерфейснинг биринчи саҳифасида ўзбек тилининг семантик майдонлари берилди, бирор семантик майдон танланса, иккинчи ойна очилиб, ўша майдонга тегишли семантик тўдалар кўринади, семантик тўдалар яна ЛСГлар бўлиниди. Интерфейснинг бундай тизилиши таҳлилнинг “тушунчадан сўзга” принципи асосида ишлайди.

Калит сўзлар: тил корпуси, семантик тег, семантик майдон, семантик тўда, семантик гуруҳ, теглаш, тег моделлари

morphological markup for the horse horoscope, the semantic area affiliation also refers to an explanation of how the LMG enters the label. The use of the semantic theory of the body in the case of a corpus can also be the basis for the ideological arc of the body.

Key words: language corpus, semantic label, semantic field, semantic colon, semantic group, layout, tag models.

КИРИШ

Тил корпусларида бугунги кунда аннотациянинг морфологик, синтактик, семантик, акцентик каби кўринишлари мавжуд. Яқин орада сўз ясашиш аннотациясининг киритилиши ҳам кутилмоқда [Грудева В.А., 2012; 165]. Корпус – тилнинг луғат бойлигида бўлаётган ўзгаришлар (неологизм, историзм, архаизм ҳодисалари)ни кузатишнинг энг қулай воситаси. Сўзларнинг лексик-семантик бириктиш имконияти таҳлилида корпус методини қўллаш янги авлод луғатлари, грамматикалари, хусусан, турғун бирикмалар луғатини яратиш имконини берди [Захаров В.П., 2011; 161].

Лексикография бўйича тадқиқотлар семантика борасидаги изланишлар билан чамбарчас боғлиқ. Корпусда у ёки бу лингвистик бирликнинг қуршовини кузата туриб, ушбу бирликни характерловчи маълум семантик белгиларни аниқлаш мумкин. Сўз бир пайтнинг ўзида бир неча семантик категорияга мансуб бўлиши мумкин, шунинг учун сўзнинг у ёки бу категорияга тегишлилик даражасига қараб фикр юритиш лозим. Даража эса турли категория бўйича тақсимланиш частотасини санаш йўли билан аниқланади [Мухин М.Ю., 2010; 74]. Демак, корпус ёрдамида сўзларнинг қайси семантик категорияларга мансублигини аниқлаш, ҳар бир категориядаги маъноси билан танишиш мумкин.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Тил корпуслари таркибига қурувчи матнларни семантик теглаш учун семантик тег гуруҳлари ва уларнинг лингвистик моделларини яратиш асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Корпус воситасида сўзнинг семантик хусусиятлари устида амаллар бажариш учун тил корпуслари материални семантик теглашга эҳтиёж мавжуд. Шу жиҳатдан семантик гуруҳ, тўда ва майдон таснифининг матнни семантик теглашдаги аҳамиятини ёритиш лозим. Корпус фойдаланувчиси интерфейсида семантик белги асосидаги қидирувни амалга ошириши учун семантик теглар мавжуд бўлиши лозим. Шундай теглар мажмуини ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот вазифасига қиради.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

От сўз туркумини семантик теглаш муаммолари. Семантик тег – сўз мансуб бўлган семантик тўда, ЛСГ, майдонга тегишли эканлиги ҳақида сўзшаклга ёзилган изоҳ [Грудева В.А., 2012; 112]. Ҳар бир сўз туркуми учун бу майдон, гуруҳлар турлича бўлиши табиий. От сўз туркуми учун семантик теглашнинг илк босқичи морфологик теглашдаги сўзнинг атоқли ёки турдош отга мансублигини билдирувчи тегдан бошланади. Чунки барча сўзшакл учун морфологик теглашда унга ёзилган тег семантик теглаш учун асос вазифасини бажаради. Демак, баъзи семантик тег (белги) олдинги босқичда сўзшаклга бириктирилган бўлади. Шундан келиб чиқиб, интерфейснинг “сўзнинг семантик белгиси” ойнасида сўзнинг семантик белгилари сифатида қуйидаги тасниф бўлиши мақсадга мувофиқ.

Атоқли от маъновий гуруҳлари:

- 1) шахс номи;
- 2) географик ном;
- 3) ташкилот, муассаса, корхона номи;
- 4) самовий ёритгичлар номи;
- 5) тарихий сана ёки байрам номи;
- 6) ҳайвон номи;
- 7) маҳсулот номи;
- 8) илоҳий тушунча номи.

А.Собиров географик ном семантик майдонини қуйидаги микромайдонга бўлишни маъкул кўради [Собиров А., 2001; 65]. Бизнингча, географик ном маъновий гуруҳини шундай ички ЛМГга бўлиш мумкин:

1. Рельеф, пейзаж: текислик (а); тепалик (б); қир, адирлик (г); тоғлик (д); дашт, сахро, чўл номлари (с).

2. Сув номлари (гидронимлар): булок, ҳовуз номи (а); жилға, ирмоқ, дарё номи (оқин сувлар) (б); қўл, денгиз, океан номи (турғун сувлар) (в).

Семантик теглашнинг лингвистик модели морфологик теглашдаги тегдан кейин микромайдон, ЛМТ ёки ЛМГ тартиб рақамини ёзишдан иборат бўлади.

Атоқли отни семантик теглаш жараёнида топонимлар учун алоҳида тег бириктириш мумкин. Атоқли отларнинг бошқа гуруҳларига эса морфологик теглашдаги изоҳ етарли, чунки улар морфологик тегдаги белгилардан ташқари бошқа ЛМГ ёки семантик майдонга мансуб бўлолмайди. Атоқли от *семантик тегланишининг кўриниши: Сотиболдининг* <Сотиболди> [от], [ат. от.], [ш.н.].

Морфологик теглашда турдош от маъновий гуруҳи аниқ ҳамда мавхум отга бўлинади. Аниқ от эса қуйидаги ЛМТга ажратилади [Сайфуллаева Р., 2009; 221]:

- 1) модда номи;
- 2) шахс номи;
- α) шахсни қариндошлик жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- β) шахсни ёши жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- χ) шахсни касб-кори жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- δ) шахсни жинси жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;

- ε) шахсни истиқомат жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- ф) шахсни мансаб-унвони жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- γ) шахсни ижтимоий ҳолати жиҳатидан тавсифловчи ЛМГ;
- 3) буюм номи;
- 4) ўсимлик номи;
- 5) ўрин-жой номи;
- 6) миқдор номи;
- 7) ташкилот, муассаса номи;
- 8) вақт-пайт номи;
- 9) фаолият-жараён номи.

А.Собиров “литосфера” ер ядроси, ер пўсти, zilзила, тупроқ, қаттиқ жинслар, фойдали қазилмалар, кон каби атамалар билан биргаликда алоҳида лексик-семантик гуруҳни ташкил қилишини, унинг ичидан фойдали қазилмаларни ажратиб олиб, яна учга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди [Собиров А., 2001; 92]. ҳамда бу ЛСГни қуйидагича таснифлайди:

1. Ёнувчи фойдали қазилмалар: кўмир, табиий газ, нефт, торф.


2. Рудали фойдали қазилмалар:

а) қора металллар: *магнитли темиртош, қўнғир темиртош, қизил темиртош* (буларнинг учаласидан темир, пўлат, чўян олинади);

б) *рангли металллар:* олтин, кумуш, мис, рух, қўрғошин, алюминий.

3. Норуда фойдали қазилмалар: ош тузи, олтингугурт, оҳақтош, мрамр, гранит.

Демак, модда номини қуйидаги ЛМГга бўлиб таснифлаш мумкин:



Семантик теглашнинг мукамал, кенг қамровли бўлиши учун А.Собиров томонидан яратилган семантик майдон назарияси, таснифи [10]га асосланишни лозим топдик. От сўз туркумини теглаш учун морфологик теглаш босқичида тег сифатида бириктирилган ЛМГга мансублик ҳақидаги изоҳга қўшимча равишда семантик майдонга мансублик ҳолати ҳам қайд этилади. Семантик майдон назариясини корпус теглар тизимида қўллаш корпуснинг идеографик теглар тизими яратилиши учун асос бўлади.

А.Собиров Ф.Дорнзейфнинг фикрига асосланиб, олам тушунчасини 20 катта бўлакка ажратганини таъкидлайди [Собиров А., 2001; 36]:

1	Жонсиз табиат. Буюмлар.	Олам тушунчаси макромайдони таснифи
2	Ўсимликлар, ҳайвонот дунёси. Инсон (тирик организм).	
3	Фазо. Фазовий ҳолат. Шакл.	
4	Ўлчам. Муносабатлар. Сабабият.	
5	Вақт.	
6	Дунё. Ранг. Товуш. Температура. Оғирлик.	
7	Ҳолат. Ҳид билиш. Маза-таъм (зоҳирий ва ботиний қабул қилиш).	
8	Ҳаракат.	
9	Истак ва хоҳиш.	
10	Сезиш.	
11	Туйғу. Жазава (ҳаяжон). Характер қирралари.	
12	Тафаккур.	
13	Белги. Ахборот. Тил.	
14	Ёзув. Билим (фан).	
15	Санъат.	
16	Жамият ва ижтимоий муносабатлар.	
17	Асбоб-усқуналар. Техника.	
18	Қишлоқ хўжалиги.	
19	Ҳуқуқ. Этика.	
20	Дин. Ғайритабиий ҳодисалар.	

А.Собировнинг фикрича, Р.Халлиг ва В.Вартбург томонидан “Олам” қисмининг иккига ажратилган “Илоҳиёт ва осмон жисмлари” рукнини ўзбек тилида энг камида 4-5 та семантик майдонга бўлиш мумкин [Собиров А., 2001; 55].

“Илоҳиёт ва осмон жисмлари” руқи таснифи					
1. Оллоҳ, унга боғлиқ бўлган тушунчани ифодаловчи номлар микромайдони	2. Диний тушунча-ни ифодаловчи сўзларнинг семантик майдони.	3. Космонимлар.	4. Об-ҳаво, шамол билан боғлиқ тушунча ни англаувчи сўзлар семантик майдони	5. Ислом дини билан боғлиқ тушунчани ифодаловчи микромайдон	6. Бошқа динлар билан боғлиқ тушунчалар майдони

1975 йилда нашр қилинган “Русско-узбекский тематический словарь” (Русча-ўзбекча мавзувий луғат)да *олам* учга бўлинган [Тихонов А.Н., 1975; 193-450]:

Олам							
Табиат							
1. Ер. Ер сатғи.	2. Осмон.	3. Табиат ходисалари.	4. Фойдали қазилмалар.	5. Ўсимликлар.	6. Ҳайвонот дунёси.	7. Қушлар.	8. Бошқа тирик организмлар
Инсон ҳаёти, фаолияти							
Мақон. Замон. Миқдор. Ҳисоб-китоб							

Шу таснифлар асосида А.Собиров “Ўсимликлар дунёси” (фитонимлар) майдонини тубандаги микромайдонларга бўлиш мумкинлиги таъкидлайди [Собиров А., 2001; 110]:

Ўсимликлар дунёси	
1) сув ўтлари;	9) полиз экинлари;
2) замбуруғлар;	10) озуқабоп ўсимликлар;
3) ёввойи ўтлар (қўкатлар);	11) саноат экинлари;
4) маданий гуллар (қўкатлар);	12) чўл, адир, тоғ ўсимликлари;
5) зарарли ўсимликлар;	13) ўрмон ўсимликлари;
6) доривор ўсимликлар;	14) буталар;
7) бошоқли ўсимликлар;	15) ёввойи дарахтлар;
8) қора экинлар;	16) мевали дарахтлар.

Юқорида санаб ўтилган 20та макромайдондаги ҳайвонот дунёси майдонини ҳам ўзбек тилида қуйидаги семантик майдонга ажратиш мумкин [Собиров А., 2001; 78]:

Ҳайвонот дунёси	
1) бир хужайрали ҳайвонлар;	8) сув ҳайвонлари;
2) ҳашаротлар;	9) хонақи қушлар;
3) паразит ҳашаротлар;	10) ёввойи қушлар;
4) судралувчилар;	11) уй ҳайвонлари;
5) балиқлар;	12) ёввойи ҳайвонлар;
6) амфибиялар;	13) йиртқич ҳайвонлар;
7) қисқичбақасимонлар;	14) афсонавий ҳайвонлар.

Миллий корпуслардаги сўзнинг семантик белгиси таксономик, мерелогик тасниф асосида берилганлиги [13]га гувоҳ бўлди. Семантик белги сифатида буюм номини атаб келувчи сўзга механизм, жиҳоз (1), транспорт воситаси (2), курул-яроқ (3), мусиқа асбоби (4), мебель (5), идиш-товоқ (6), кийим-кечак (7),

озик-овқат, ичимлик (8) номи каби тегнинг қўлланилишига асосланган ҳолда морфологик теглашдаги буюм номи ЛМГни ҳам бир неча гуруҳчага бўлиш мумкин.

М.Асомиддинова кийим-кечак номларини 4та катта мазмун гуруҳига ажратади [Собиров А., 2001; 46]:

Кийим-кечак номлари	1. Бош кийимлари: <i>дўппи, қалпоқ, қулоқчин, шляпа, беретка, кубанка, рўмол</i>
	2. Устки, ички кийимлар: <i>тўн, чопон, пўстин, камзул, кўйлак, яхтак</i>
	3. Кийимларга қўшимча бўлган нарсалар номи: <i>белбоғ, салла, қўлқоп</i>
	4. Кийимларнинг қисмлари номи: <i>авра, астар, этак, чўнтак</i> каби.

Ҳ.Неъматов кийим-кечак номларини 5та ЛМГга ажратиб ўрганишни тавсия этади [Неъматов Ҳ., 1995, 79]:

Кийим-кечак номлари	1. Бош кийим: <i>бўрк, дўппи, тақя, телпак, қалпоқ, қулоқ, салла, шляпа, шапка</i>
	2. Устки кийим: <i>кийим, кўйлак, яхтак, тўн, пўстин, ёпинчиқ, ёғмирлик, шим, шалвар, пойшома, пальто, костюм</i>
	3. Ички кийим: <i>иштон, кўйнакча, сийнабанд, чўмилгич, нимча, труси, майка</i>
	4. Оёқ кийими: <i>пайпоқ, этик, маҳси, кавуш, калиш, туфли, чориқ</i>
	5. Ўрагичлар: <i>рўмол, қийиқ, белбоғ, тасма, пешонабанд, гарданбанд, бўйинбоғ, пайтава, камар</i>

Демак, кўрсатилган таснифдаги буюм макромайдонининг битта микромайдони сифатида кийим-кечак номларини ажратиш ҳам мумкин.

Рус тили миллий корпусида сўзнинг “семантик белги”си ойнасида “мереология” таснифи ҳам мавжуд. Шунга асосланиб, ўзбек тилидаги сўз учун “фақат қисм номини бирдирувчи сўзлар” белгисини ҳам ажратиш мумкин. Бу теглар инсон тана аъзоси, орган (1), ҳайвон тана аъзоси, орган (2), ўсимлик қисмлари (3), бино, иншоот қисми (3), қурилма қисми (4), асбоб қисми (5), механизм, жиҳоз қисми (6), транспорт воситаси қисми (7), қурол-яроқ қисми (8), мусиқа асбоби қисми (9), мебель қисми (10), идиш-товоқ қисми (11), кийим-кечак, оёқ кийими қисми (12) каби изоҳлардан иборат бўла олади.

А.Собировнинг фикрига таянган ҳолда, “Инсон” макромайдони таснифини корпусга қуйидаги тартибда қўллаш мумкин:

1. Инсоннинг шахси (ташқи жиҳати) билан боғлиқ семантик майдон.

2. Инсоннинг руҳий олами (ички жиҳати)ни ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдони.

3. Инсоннинг инсонларга бўлган муносабати (ижтимоий алоқалари)ни ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдони.

1. Ижтимоий тузилма (муносабат)лар йиғиндисини ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдони.

1-жадвал

“ИНСОН” МАКРОМАЙДОНИ ТАСНИФИ

Инсоннинг шахси (ташқи жиҳати) билан боғлиқ семантик майдон микромайдонлари	Инсоннинг рухий олами (ички жиҳати)ни ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдон микромайдонлари	Инсоннинг инсонларга бўлган муносабати (ижтимоий алоқалари)ни ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдони	Фан, техника билан боғлиқ микромайдон
жинс	онг (ақл-фаросат)	коммуникатив фаолият	Аниқ фанлар билан боғлиқ микромайдон:
ирк	сезгилар	меҳнат, иш, фаолият	математика билан боғлиқ фанлар микромайдони
миллат	идрок	касб-хунар	физика билан боғлиқ фанлар микромайдони
фуқаролик	тушунча, тасаввур	қишлоқ хўжалиги	кимё фанлари микромайдони
ташқи қиёфа (тана узвлари)	хаёл, ўй	пахтачилик	биология фанлари микромайдони
оила	тафаккур	енгил саноат	география фанлари микромайдони
қавм-қариндошлик	хотира	оғир саноат	информатика, техника фанлари микромайдони
соғлиқ	ёқимли ҳислар (симпатия)	тўқимачилик	иктисодиёт фанлари микромайдони
касаллик	ёқимсиз ҳислар (антипатия)	транспорт:	медицина фанлари микромайдони
ишқ-муҳаббат	ирода	а) машинасозлик	Ижтимоий фанлар билан боғлиқ микромайдон
уй-рўзгор	темперамент	б) самолётсозлик	фалсафа микромайдони:
емиш	ахлоқ-одоб	в) кemasозлик микромайдони.	тилшунослик микромайдони
кийим-кечак	қобилият, истеъдод	халқ хунармандчилиги	адабиётшунослик микромайдони
хулқ-атвор (ҳаракат, ҳолат)	эрк	мактаб, маориф	тарих микромайдони

Турдош отнинг семантик тегланишида ҳам морфологик теглашдаги ЛМГга оид теглардан ташқари сўзшакл мансуб бўла оладиган семантик майдон ҳақидаги маълумот ҳам бириктирилади. Семантик майдонга мансублик теги ва-зифасини семантик теглаш иловасида келтириладиган тартиб рақам бажаради. *Турдош от семантик тегланиши кўриниши:*

осмон <осмон> [от], [тур. от], [ан.о.], [ў.ж.н.], [4.3.]. Ажратиб кўрсатилган тег “Фазо. Фазовий ҳолат. Шакл” микромайдонга мансубликни ифодалайди.

табибга <табиб> [от], [тур. от], [ан.о.], [ш. н.], [касб ЛМГ], [11.1.3]. Ажратиб кўрсатилган тег “касб-хунар” микромайдонига тегишлиликни билдиради.

Феъл сўз туркумининг семантик телларига оид айрим мулоҳазалар.

Феъл сўз туркумининг семантик теллари – морфологик телларга кўшимча сифатида ёзиладиган изоҳ. Морфологик теллашда феълнинг асосий ЛМГ [11]лари сифатида

- 1) ҳаракат феъли = [ҳар. ф.];
- 2) нутқ феъли = [нутқ ф.];
- 3) ҳолат феъли = [ҳолат ф.];
- 4) натижали фаолият феъли = [нат. ф. ф.];
- 5) тафаккур феъли = [тафаккур ф.];

6) муносабат феъли = [муносабат ф.].каби лексик-семантик гуруҳлар ажратилиб, теллар бириктирилган. Семантик теллашда шу маълумотларга кўшимча сифатида феълнинг маъновий гуруҳлари бўйича қилинган ишларга асосланиб, ушбу изоҳларни ҳам киритиш мумкин.

И.Кўчқортоев феълни қуйидаги ЛМГга ажратади [Кўчқортоев И., 1969; 77]:

- 1) демоқ феъли;
- 2) гапирув феъллари: *гапирмоқ, атамоқ, алжимоқ, мақтамоқ, тушунтирмоқ, исботламоқ, ақунламоқ;*
- 3) ифодалов феъллари: *айтмоқ билдирмоқ, таъкидламоқ;*
- 4) талаффуз феъллари: *бошқармоқ, ўшқирмоқ, қичқирмоқ, биғилламоқ;*
- 5) субъектив ҳукм феъллари: *кесатмоқ, мақтамоқ, таърифламоқ, ёмонламоқ, чалтимоқ, ўпкаламоқ, ҳақоратламоқ, жеркимоқ, қарғамоқ, саломлашмоқ, табрикламоқ;*
- 6) нутқий даъват феъллари: *буюрмоқ, ундамоқ, тарғиб қилмоқ, даъват қилмоқ, таклиф этмоқ, чақирмоқ, қистамоқ;*
- 7) симметрик нутқ феъллари.

Ушбу таснифдан келиб чиққан ҳолда, морфологик теллашдаги нутқ феъли гуруҳини яна ички ЛМГга ажратамиз:

- 1) демоқ феъли;
- 2) гапирув феъллари;
- 3) ифодалов феъллари;
- 4) талаффуз феъллари;
- 5) субъектив ҳукм феъллари;
- 6) нутқий даъват феъллари.

А.Собиров феъл-лексемани *ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемалар микромайдонига ажратади* [Собиров А., 2001; 95]. Улар ўз навбатида қуйидаги мавзу тўдаларига бўлиниб кетади:

1. Тирик организмларнинг барчаси учун умумий бўлган лексемаларнинг мавзу тўдалари (оралиқдаги медиомайдон): *югурмоқ, чоп-моқ, ўтмоқ, сувсамоқ, тўхтамоқ, ушламоқ, озикланмоқ, ўсмоқ, яшамоқ, ётмоқ, касалланмоқ, озмоқ, семирмоқ, ўлмоқ.*

2.Инсонга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексик бирликларнинг мавзу

тўдалари: гапирмоқ, ўйламоқ, яратмоқ, қадрламоқ, тушунтирмоқ, уктирмоқ, барпо этмоқ, орзуламоқ, кўзламоқ, севмоқ.

3. Ҳайвонларга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемаларнинг мавзу тўдалари:

а) хонаки ҳайвонларга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемалар: маърамоқ, кишнамоқ, ҳанграмоқ, эгарланмоқ, қулунламоқ, бўкмоқ, сут бермоқ, қақақламоқ;
б) ёввойи ҳайвонларга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемалар: тишламоқ, панжа урмоқ, ғажимоқ, кемирмоқ, қишламоқ, улимоқ, тирмашмоқ, изғимоқ, човут солмоқ.

4. Нарса, жисмларнинг ҳаракат, ҳолатини ифодаловчи лексемаларининг мавзу тўдалари:

а) дарахтлар, ўсимликларга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемалар: унмоқ, ўсмоқ, кўкармоқ, куртак ёзмоқ, гулламоқ, мева тугмоқ, шохламоқ, барг чиқармоқ, томир отмоқ, қовжирамоқ, сўлимоқ, қуримоқ;

б) табиий жисмларга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемалар: чўкмоқ, увоқланмоқ, чиримоқ, қайрилмоқ, қотмоқ, аралашмоқ, оқмоқ, тошмоқ, ёғмоқ, синмоқ, порламоқ, чакнамоқ, ялтирамоқ, дарз кетмоқ.

Ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемаларнинг хусусиятлари шу билан тугамайди. Фақат инсонга хос бўлган ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексемаларни яна қуйидаги мавзу тўдаларига бўлиш мумкин:

1. Инсон ҳаётининг умумий қирраларига хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи лексик бирликларнинг мавзу тўдалари: **яшамоқ, овқатлапмоқ, касал бўлмоқ, гапирмоқ, ишламоқ, ухламоқ, туш кўрмоқ, дам олмоқ, ўқимоқ.**

2. Инсоннинг тана аъзолари ҳаракат, ҳолатини ифодаловчи лексемаларнинг мавзу тўдалари:

1) *кўз ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* пирпирамоқ, очмоқ, юммоқ, боқмоқ, қарамоқ, олаймоқ, йиғламоқ, ёшланмоқ;

2) *қўл ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* ушламоқ, миғсимоқ, тирнамоқ, муштламоқ, чапак чалмоқ, ҳовучламоқ, чимчиламоқ, тортмоқ;

3) *оёқ ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* сакрамоқ, тепмоқ, депсинмоқ, оксоқланмоқ, турмоқ, чўлоқланмоқ, чикмоқ, юрмоқ;

4) *тил ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* қалдирамоқ, яламоқ, таъм билмоқ;

5) *тиш ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* тишламоқ, пломбаламоқ, кемшик бўлмоқ, қуртламоқ, тақилламоқ;

6) *лаб ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* **дўрдаймоқ, қуруқшамоқ, қимтимоқ, ўпмоқ;**

7) *қош ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* чимирмоқ, сузмоқ, термоқ, бўямоқ;

8) *пешона ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* **тиришмоқ, ажин босмоқ, терламоқ, ғурра бўлмоқ;**

9) *қулоқ ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар:* *қимирламоқ, диккаймоқ, динг бўлмоқ, эшитмоқ, қар бўлмоқ;*

10) юрак ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар: **дукилламоқ, дук-дук урмоқ, қалтирамоқ, ёрилмоқ;**

11) қорин ҳаракати, ҳолатини ифодаловчи лексемалар: **қулдирамоқ, тўймоқ, бурамоқ, қапнаймоқ, селкилламоқ.**

Инсон ҳаётининг ижтимоий қирраларини ўзида мужассам этган феъл-лексемалар ҳам бир нечта гуруҳга ажралади:

1. *Тафаккур билан боғлиқ лексемалар:* ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл сурмоқ, англамоқ, фаҳмламоқ, тушунмоқ.

2. *Дала ишлари билан боғлиқ лексемалар:* экмоқ, чопмоқ, суғормоқ, ишлов бермоқ, ўтамоқ, яганаламоқ, ўрмоқ, янчмоқ, ун қилмоқ, йиғиштирмамоқ, термоқ.

3. *Техника билан боғлиқ лексемалар:* хайдамоқ, ремонт қилмоқ, бузмоқ, авария қилмоқ, чиқмоқ, тушмоқ.

4. *Қурилиш ишлари билан боғлиқ лексемалар:* қурмоқ, сувамоқ, оқламоқ, бўямоқ, рандаламоқ, арраламоқ, қоқмоқ, суртмоқ.

5. *Емоқ-ичмоқ билан боғлиқ лексемалар:* пиширмамоқ, қовурмоқ, доғламоқ, тановул қилмоқ, чакичламоқ, тўғрамоқ.

6. *Кийим-кечак билан боғлиқ лексемалар:* киймоқ, тиктирмамоқ, шимармоқ, ўранмоқ, тикмоқ, қадамоқ, қиймоқ, дазмолламоқ, крахмалламоқ, тозалламоқ.

7. *Уй ҳайвонларини боқши билан боғлиқ лексемалар:* емламоқ, суғормоқ, соғмоқ, етакламоқ, боқмоқ, қантармоқ, жиловламоқ, эгарламоқ.

Шунингдек, талтаймоқ, ялтоқланмоқ, зерикмоқ, сўппаймоқ, тентирамоқ, фаҳмламоқ, туғмоқ, бўшанмоқ, оғримок, жовдирамоқ, кеккаймоқ, завқланмоқ, дўндирмоқ, анқаймоқ, инграмоқ каби лексемалар ягона субъект билан боғлиқ иш-ҳаракат ҳамда ҳолатни ифодаловчи лексик бирликлар сифатида алоҳида майдонга тўпланган [Собиров А., 2001; 120]. Диалогик нутқ элементларини ўзида ифода этган отамлашмоқ, дардлашмоқ, ҳасратлашмоқ, ёқалашмоқ, силамоқ, қўлламоқ, дўстлашмоқ, биргалашмоқ, қучмоқ, эркаламоқ каби лексемаларни иккинчи, бир нечта субъектга тегишли бўлган чақирмоқ, айтмоқ, тўпламоқ, жамламоқ, йиғмоқ, чорламоқ сингари лексик бирликларни учинчи семантик майдонга жамлаш мумкин [Собиров А., 2001; 112].

Феълнинг семантик тегларидан тег сифатида ўрин олувчи ушбу ЛМГлар таснифини иловада келтирилган жадвалдагидек беришни маъқул кўрамиз (*Қаранг:* 1-жадвал). Алоҳида иловада тартиб рақами билан белгиланиб, лингвистик модели шу тартиб рақамлари асосида. Феъл сўз туркумининг семантик теглаш кўриниши: **оғриб қолди** <оғриб қол> [ф], [муст. ф.], [ҳолат ф.], [11.1.һ], [14.2]. Ажратиб кўрсатилган тег “соғлиқ микромайдони”га ҳамда “инсонга хос ҳаракат, ҳолатни ифодаловчи ЛМТ”га мансублик ҳақида маълумот беради.

Сифат, сон, олмош, тақлид сўз туркумларининг семантик теглари учун алоҳида тег ёзишга ҳожат йўқ. Морфологик теглашда сўзнинг ЛМГга мансублиги ҳақидаги тег семантик белги сифатида ҳам хизмат қила олади.

Равиш сўз туркумининг семантик тегларига оид мулоҳазалар. Даствлаб-ки теглаш босқичида равишнинг

1) пайт равиши = [п. рав.];

- 2) ўрин равиши = [ў. рав.];
- 3) ҳолат равиши = [ҳ. рав.];
- 4) миқдор-даража равиши = [м.д. рав.];
- 5) мақсад равиши = [мақ. рав.];

6) сабаб равиши = [саб. рав.]. каби ЛМГлари аниқланган. Семантик теглаш босқичида Т.Асадовнинг равиш маъновий гуруҳи таснифи [Асадов Т., 2009, 82]. асосида қуйидаги изоҳларни тег сифатида бириктиришни маъқул кўрамиз.

1. Ҳолат равиши (ХР):

1) юриш феъллари билан бирикиб келадиган ХР: *бетўхтов, елкама-елка, эшикма-эшик, жадал, ёнма-ён, изма-из*;

2) нутқ феъллари билан бирикиб келадиган ХР: *дўстларча, оталарча, басма-бас, камтарона, рўйрост*;

3) тафаккур феъллари билан бирикиб келадиган ХР: *жим, йўл-йўлакай, мантиқан, обдон*;

4) натижали фаолият феъллари билан бирикиб келадиган ХР: *тубдан, фақирона, янгитдан, ими-жимиди, бутунлигича, биратўла*.

2. Пайт равиши:

1) пайт мазмунининг бошланиш нуқтасини ифодаловчи равиш: *аввал, бошда, дастлаб, даставвал*;

2) пайт мазмунининг давомийлигини ифодаловчи равиш: *ҳамон, нуқул, доимо, мудом, ҳамиша*;

3) пайт мазмунининг изчиллигини ифодаловчи равиш: *уззукун, кунда, кунро, тез-тез, қишин-ёзин, тун-кун*;

4) пайт мазмунининг узлуксизлигини ифодаловчи равиш: *бирпасда, тезда, зумда, дарров, бирров*;

5) пайт мазмунининг чегараланганлиги ёки галма-галлигини ифодаловчи равиш: *онда-сонда, гоҳ-гоҳ, ора-сира, ойда-йилда, баъзан, ўқтин-ўқтин*.

3. Миқдор-даража равиши:

1) кучайтирув равиши: *тагин, талай, хийла, тамомила, роса, хўп, буткул*;

2) кучсизлантирувчи равиш: *аранг, зўрға, сал-пал, бироз, қисман, элас-элас, қиттай, андак, зигирча*;

3) меъёрий даражадаги равиш: *керагича, тегишлича, етарлича*.

Т.Асадов ўрин, сабаб, мақсад равишларини ЛМГга ажратмайди. Биз ҳам корпусда ҳолат, пайт, миқдор-даража равишларини ички ЛМГга ажратган ҳолда, ўрин, сабаб, мақсад равишларини ЛМГга ажратмай беришни лозим топдик.

ХУЛОСА

Сўз туркумларини семантик теглашда семантик майдон, тўда ва семантик гуруҳ таснифларига асосланиш тўғри бўлади. Ўзбек тилида ҳар бир сўз туркумининг семантик майдони, ЛСГлари тадқиқ этилган. Тил корпусларининг семантик теглар мажмуасини ишлаб чиқишда шу таснифдаги категориялар асос бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Asadov T.H. Soʻz turkumlari tizimida ravish. Fil.fan.nomz. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – Toshkent, 2009.
2. Grudeva V.A. Korpusnaya lingvistika. Uchebnoye posobiye. 2-e izd., stereotip.– M.: Flinta, 2012. – 165 s.
3. Zamonaviy oʻzbek tili: Morfologiya. (Mualliflar jamoasi. Masʼul muharrirlar: H.Neʼmatov, R.Sayfullayeva.) – Toshkent: Mumtoz soʻz, 2008. – 468 b.
4. Zaxarov V.P. Korpusnaya lingvistika: Uchebno-metod. posobiye. – SPb., 2005. – 48 s.
5. Zaxarov V.P., Bogdanova S.Yu. Korpusnaya lingvistika.– Irkutsk: IGLU, 2011. – 161 c.
6. Karaulov Yu.N. Lingvisticheskoye konstruirovaniye i tezaurus literaturnogo yazыka. – M.: Prometey, 1990. – 367 c.
7. Qoʻchqortoyev I. Soʻzlarning leksik-semantik toʻdalari haqida//ToshDU ilmiy asarlari. 359-chiqish.– Toshkent, 1969.
8. Muxin M.Yu. Leksicheskaya statistika i konseptualnaya sistema avtora: M. Bulgakov, V. Nabokov, A. Platonov, M. Sholoxov. – Yekaterinburg, 2010.–174 s.
9. Neʼmatov H., Rasulov R. Oʻzbek tili sistem leksikologiyasi asoslari. T.:Oʻqituvchi, 1995. – 128 b.
10. Sobirov A. Oʻzbek tilining leksik sathini sistemalar sistemasi tamoyili asosida tadqiq etish. – Toshkent: Maʼnaviyat, 2004. –140 b.
11. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. Oʻquv qoʻllanma. – T.: Fan va texnologiya, 2009. – 416 b. – 221 b.
12. Tixonov A.N., Xotamov N.T., Yemelyanova S.A., Tixonova M. Yu. Russko-uzbekskiy tematicheskij slovar. –1975. – B. 193-450.
13. <http://www.ruscorpora.ru/reqsem.html>